

*Дилфуза ҚАМБАРОВА,
Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ
Педагогика ва психология, таълим
технологияси кафедраси катта ўқитувчиси*

ҲАДИСЛАР ВОСИТАСИДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Тарбия тарихидан маълумки, жамиятнинг бир бўлаги саналган болага ёшлигиданоқ Шарқона одобнинг илк сабоқлари эринмай ўргатилган. Шарқда, жумладан, Туркистонда қадим-қадимлардан бошлаб ахлоқ-одобга оид асарлар ва ҳадислардан намуналар ўргатиб борилган. Таассуфларки, ахлоқ-одобнинг минг йиллик тажрибасидан воз кечилиб, қадриятларга бефарқ қаралди ва унинг тарбиявий аҳамиятига эътибор қилинмади. Натижада, ўтмиш билан бугун ўртасида кескин узилиш пайдо бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, ёшлар орасида кундан-кунга миллатимиз муомала маданиятига хос бўлган ўзбекона самимийлик, ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ришталари узилиши юз берди. Эндиликда, ёш авлодга жуда ёшлигиданоқ тўғри тарбия бериш, юқоридаги камчиликларнинг ўрнини тўлдириш учун инсон омилининг бу жиҳатига эътиборни қаратиш лозим.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда тарбияга асосий эътиборни қаратиш, унинг бирламчи

эканлигини тан олиш керак. Зеро, ахлоқий тарбия муаммоси инсон ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб, то ҳозирги давргача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ўзбек халқида ҳам авлодлар тарбиясига таъсир этувчи, инсонларни одамийлик, эзгуликка етакловчи «Халқ дорилфунунлари» бўлганлигини эътироф этмоқ керак. Айниқса, ота-боболаримиз учун Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари дастуриламал ҳамда уламою-ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг ишончли манбаи бўлиб хизмат қилган ва қилмоқда. Тарихимиз қанча ўрганса ва ибрат олса арзигулик бебаҳо маънавий мерос дурдоналари битилган саҳифаларга бой.

Биз учун ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган заминдан бошқа Ватан йўқ. Бу эса бизни Ватанимизни севишимизга, ундан ифтихор туюшимизга олиб келади. Зеро, диний манбаларда ҳам ватанни севишга даъват этилади. Бу муқаддас замин бизга катта мерос қолдирилган. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ҳам мана шу заминда яратилган,

сайқал топган. Биз маънавий пойдеворга суянмасак, ўтмишдан куч-қувват, руҳий озиқ олмасак ривожлана олмаймиз. Зеро, тарбия соҳаси, ислоҳоти, бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммосига айланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг истиқболи, буюк келажаги, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини бутун дунё қадрламоқда, тан олмоқда. Ўзбекистон Республикасида зиёлилар олдига маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси қўйилган бир пайтда дин масалаларини четлаб ўтиш ўринли эмас. Ислохотлар бевосита дин ва динни ўрганиш соҳасига ҳам кириб келди ва бу нарсa педагоглар зиммасига ҳам улкан масъулиятларни юклaди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Самарқандда ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Буюк муҳаддислар яшаб ўтган заминда ҳадис илми бўйича билимдонларнинг етишиб чиқиши, бу борадаги ислохотларнинг бир кўринишидир. Ўзбекистон тараккиётида бугунгидек ўзгаришлар бўлмаган. Барчамизнинг елкамизда келажак олдида бирдек жавобгарлик ҳисси турибди. Шундай экан, биз ким бўлмайлик, қайси соҳада фаолият кўрсатмайлик, маънавият-маърифат ишларига, яъни етук инсонларни тарбиялаб вояга етказиш ишларига дахлдор эканимизни унутмаслигимиз керак. Муқаддас динимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш бу борадаги энг муҳим мафкуравий вазифалардан биридир.

Маълумки, ҳадис илмида ватандошимиз Имом ал-Бухорий алоҳида нуфузга эга. Буюк бобокалонимизнинг тўплаган ҳадислари Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбадир. Эндиликда, бу мулкни ёшлар онгига синдириш, илмий ва ижодий асосда тасарруф этиш таълим-тарбия соҳасидаги асосий

вазифалардан бирига айланмоғи лозим. Ҳозирги кунда жаҳон маданияти билан маорифининг илғор ғояларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан бирга, бир неча асрлик тарихга эга бўлган кадриятлардан фойдаланиш, дунёвий тарбия билан диний тарбиянинг маълум жиҳатларини уйғунлаштириш орқали иймонли, эътиқодли, пировардида комил инсонни тарбиялаш мумкин. Ҳадисларда дунёвий ва диний масалаларни ҳал этиш бўйича зарурий йўл-йўриқлар бор. Ҳамма гап уларни тўғри тушуниш, тўғри тарғиб қилиш ва қўллаш билишдадир. Бу муқаддас манба инсонни комилликка даъват этади. Комил инсон тарбияси давлатимиз сиёсатининг устивор соҳаси ҳисобланади. Тараккиёт тақдирини ҳам маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимларни эгаллаган, иймони бутун, эътиқоди соғлом инсонлар ҳал этади. Ҳадисларда доноликка чакирувчи мотивлар кучли бўлиб, улар фаҳм-фаросатга, ўткир зеҳнлиликка, илмни ўз вақтида ўзлаштиришга, зукколикка даъват этади.

Тарихимиз ойдинлашгани сайин отабоболаримиз инсоннинг маънавий оламини, ички дунёсини билиш, тушуниш бобида ҳозирги авлодларга нисбатан нечоғли олдинда эканликлари, биз эса ўша билимлардан маълум вақт бебаҳра қолганлигимиз ойдинлашиб бораверади. Ҳадислар асрлар оша инсон табиатида чуқур илдиз отиб, дин таълимотида ўзига хос бўлган вазифаларни бажариб келган. Бу муқаддас манба инсонни ёмон ишлардан қайтариб, тўғри йўл кўрсатади. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида кимки динни илмсиз ўрганса, ўзи ҳам адашади, бошқаларни ҳам адаштиради, деган эканлар. Динни ўрганиш учун дунёвий илм ҳам керак. Қуръони Каримни фақат илм билан ўрганиш лозим. Шундагина ундаги оят ва калималарнинг моҳиятига етиш мумкин. Илмсизлик бу илоҳий китобни ўрганиш моҳиятидан узоклаштиради. Илм

олиш Ислом динининг энг улуғ шиорларидан биридир. Ҳадисларда айтилишича, бир соатгина илм ўрганиш, бир кеча қилинган ибодатдан афзал, бир кун илм ўрганиш, уч ойлик нафл рўзадан афзалдир. Дарҳақиқат, илм инсонни адашишдан, қоқилишдан сақлайди, уни боқий саодат сари етаклайди.

Ҳадисларда ёмонлик кетидан яхшилик, камбағаллик кетидан бойлик, очлик кетидан тўқлик, жаҳолат кетидан фаровон ҳаёт муқаррарлиги талқин этилади. Бу ҳаёт фалсафасидир. Маънавий меросимизнинг бу шаклини ўрганар эканмиз, унинг нақадар майин сўзлар пардасида берилганини гувоҳи бўламиз. У тингловчи қалбида ўчмас из қолдиради. Демак, ҳадислар муайян ғоялар мажмуи бўлиб, бегона ғояларни четлаб ўтишга ва бунёдкор ғоялар туғилишига хизмат қилади. Ҳозирги тезкор асримизда бўлаётган муқаррар ўзгаришлар баъзан парокандаликларга сабаб бўлмоқда. Натижада инсонийлик, меҳр-оқибат, самимийлик каби нодир қадриятларимизни четлаб ўтмоқдамиз. Биз одавийликни, маънавийтимизни қурбон қилиб қўйсак, бу нарса бир куни келиб иқтисодий қашшоқликдан ҳам кўра қимматга тушмайдими? Бир нарсага эришиш билан бошқа зарур нарсадан ажраб қолиш ёмонку. Маънавий меросимизнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди. Ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликлар ва муваффақиятсизликларни енгишда ҳадисларнинг ўрни бекиёсдир. Бизнинг бой маънавий меросимиз бугун қўлга киритадиган ютуқларимизнинг, эртага эришажак ғалабаларимизнинг ҳаётбахш асоси бўлиши керак. Ҳадислардан ҳозирги ҳаётимизнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишга асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқлар оламиз. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида ҳам ҳадислардан унумли фойдаланиш мумкин. Ҳадисларда «Қайси мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса,

сўнг унинг меvasидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади», дейилади. Шунинг учун ота-боболаримиз дарахт экиш, боғ-роғ яратишни савобли иш, деб билганлар. Бир туп мевали дарахт эккан кишининг икки дунёси обод бўлади, деб бежиз айтишмаган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг яна бир ҳадисларида бу ишнинг савоби хусусида қуйидагича фикр билдирилади: «Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз, уни экиб қўйинг. Кейинги йилларда табиатга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш табиат қонунларини бузилишига олиб келмоқда. Зеро, она заминни асраб-авайлаш инсоннинг ўз қўлида. Ота-боболаримиз зилол сувни, булоқларни, дарахтзор, гул-ғиёҳларни эъзозлаб, уларни топтамасликка, оёқ ости қилмасликка алоҳида эътибор қилганлар. Диний ақидапарастлик, турли оқимлар ҳам динни яхши билмаслик, ўз мустаҳкам позициясига эга бўлмаслик, эътиқоди суст, ўзининг эркин фикри йўқлиги сабабли салбий таъсирларга берилувчанлик оқибатида юзага келади. Иймони мукаммал инсонни ҳеч қачон, ҳеч қандай куч билан оғдириб бўлмайди. Фикри теран, эътиқоди соғлом ёшлар ҳеч қачон тараққиётга зид ҳаракатлар қилмайди, сохта оқимларга эргашмайдилар. Бугунги кунда ҳадислар ёшлар онгини ҳархил ғуборлардан тозаловчи восита бўлиши лозим. Зеро, ҳадислар маънавий камолот белгисидир. Бу манба тарбиянинг энг таъсирчан қуролидир. Шундай экан, ундан оқилона фойдаланиш, унга етарли баҳо бериб, қадрига етиш керак. Ёшларимиз ўртасида учрайдиган жиноятчилик, ғиёҳвандлик каби баъзи бир нохуш ҳолатлар ташвишланарлидир, улардан кўз юмиб бўлмайди. Ўспиринлар ғиёҳвандлик ёки алкоғолизм балосига кўр-кўрона илашиб қолиши мумкин. Улар ўзларидаги тубан ва жирканч ўзгаришларни пайқамайдилар.

Ҳадисда «Маст қиладиган ичимликларнинг барчаси ҳаромдир» дейилади. Ёки яна бир ҳадисда ичкилик жами оғир гуноҳлар ва жиноятларнинг онасидир, дейилади. Бу ҳадисларда ичкиликнинг ҳаром эканлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилади ва ёшларни бундай салбий ҳолатлардан қайтаришга ва уларни инсонийликка даъват этилади. Бундай ғайриахлоқий ҳолатларга чек қўйилмас экан, жамиятимизда маънавият, ахлоқ, одоб ва инсонийлик тушунчалари чуқур илдиз отиши даргумон.

Ҳадисларда ёмонликка қарши курашиш, ёмонлик қилмасликнинг ўзи ҳам, ёмонликдан қайтаришга уриниш ҳам фаоллик белгиси сифатида таъкидланади. Унда шундай фикрлар ифодаланади: «Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонликдан сақлан». Ёки яна бир ҳадиси шарифда «Кимда-ким бир савоб иш қилишни қасд айлаб, қилолмаса, нияти учун ҳам савоб олмай ва кимда-ким бир ёмон ишни қасд айлаб, аммо ўзини бу ишдан тийса, унга ҳам тўлиқ савоб ёзилгусидир» дейилади. Ёшларни шундай тарбиялаш керак-ки, токи улар олис-олисларни кўрадиган, кўп қиррали ҳаётнинг барча шодликларидан баҳра оладиган бўлсин. Фақат маънавий бой, комил инсонларгина жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Зеро, фикри теран, эътиқоди соғлом ёшлар ҳеч қачон инсонийликка зид ҳаракатлар қилмайди. Ҳадиси шарифда «Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкрок мерос бера олмайди», дейилади. Шу билан бирга «Фарзандингизни иззат-икром қилиш билан бирга, тарбиясини, одобини ҳам яхшиланглар» деб фарзанд тарбиясида ота-оналар ўрнини белгилаб ўтилган. Вақтдан унумли фойдалана билмаслик, ҳар кунлик фаолиятни изга сололмаслик ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. «Мусибатларнинг энг каттаси вақтни беҳуда кетказишдир», дейилади ҳадис илмида. Дарҳақиқат, беҳуда кетган вақтнинг бирор

дақиқасини қайтариб бўлмайди. Ҳадисда бир бор берилган умрнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб қолишга даъват этилади. Инсон жиноятчи ёки тарбиясиз бўлиб туғилмайди. У оилада фақат кўкрак сути, нон-чой, кийим-бош билангина эмас, балки таълим-тарбия, тушунча ва ғоялар билан ҳам парваришланиши лозим. «Соф сут билан кирган хулқ ўлгунча айнамайди», дейилади халқ ҳикматларида. Тарбиявий жараён ўта масъулиятли ва оғир кечадиган жараёндир. Ота-боболаримиз азал-азалдан инсон тарбияси масалаларига жиддий эътибор бериб келган ва бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, янгича усуллар эвазига бойиб борган.

Ҳадисларда шундай эзгу ғоялар илгари сурилганки, улар тингловчи қалбида юксак инсоний фазилатларни тарбиялайди: «Сабрли бандаларга беҳисоб савоб (ажр) ато этилгусидир», «Тили билан ва қўли билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир», «Кичик каттага, ўткинчи ўлтирганга, озчилик кўпчиликка салом бергайдир», «Биродарингиз золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам унга ёрдам беринг. Сўрадилар: «Золим бўлганда қандай ёрдам берамиз? Жавоб: «Уни зулмдан қайтаришингиз унга қилган ёрдамингиз ҳисобланади». «Ҳеч ким ўз қўли бирлан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган».

Хулоса қилиб айтиш керакки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди. Ислохотлар дин ҳақида маълумотлар берувчи фанларнинг ўқитилиш муаммоларини ҳам қамраб олди. Зийраклик билан ёндашишни талаб қиладиган бу масала, кўпмиллатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун жуда долзарб. Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамыз. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солиб, кимлар уларнинг онгини тозалайди, кимлар

уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашга ўргатади. Ҳа, Республикаимизнинг кўп сонли педагогларининг олдида ана шундай долзарб муаммони ҳал этиш вазифаси турибди. Биз учун фарзанд тарбияси борасида маънавий асос бор. Ҳадислар бу борада дастуриламал бўлиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларга дин, унинг моҳияти ҳақидаги билимларни қай йўсунда ва қандай шаклда бериш ниҳоятда нозик, айна пайтда мураккаб масаладир. Тарбия тизимининг назарий асоси шарқона ва миллий қадриятлардан ташкил топган бўлиши керак. Маънавий ахлоқий поклик, иймон, эътиқод, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади. Демак, бугунги кунда ҳадислар ёш авлод онгини ҳар хил ғуборлардан тозаловчи, соғлом эътиқодни тарбияловчи восита сифатида қабул қилиниши керак. Бу манба тарбиянинг энг таъсирчан курилидир.

Биз бугунги тарбия системаси орқали комил инсонни шакллантира оламизми? Тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак. Бизнингча бу саволга жавоб, тарбия тизимининг назарий асосга эга эмаслигида. Тарбия назарий асосга, таянчга эга бўлгандагина таъсирчан ва қудратли кучга эга бўлади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар тавсия этилади:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий жараёнларда ҳадисларда ифода этилган олийжаноб ғоялардан, ривоят, ҳикматлар, ўзбек халқ оғзаки ижоди, Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқий ўғитларидан муттасил фойдаланиш;

2. Тарбия соҳасидаги боболар меросини қайта тиклаш, Шарқ донишмандчилигини ўқув қўлланмаларига, дастурларга киритиш, исломнинг ахлоқ системасидан кенг фойдаланиш;

3. Таълим муассасаларида тўғараклар фаолиятини такомиллаштириш. Жумладан, «Ёш ҳадисшунос» тўғараги ишини мақсадга мувофиқ тарзда ўтилишига эришиш;

4. Ўқув даргоҳларида маънавий мулоқат дарсларининг мақсадга мувофиқ ўтилишига эришиш, бу борадаги ишларни такомиллаштириш;

5. Ўқувчиларни халқ ижоди, миллий урф-одатлар ва анъаналар, Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништириш орқали дунёқарашини кенгайтириш, эътиқодини кучайтириш, қизиқишларини мустаҳкамлаш;

6. «Тарбиявий фанлар»ни ўқитиш жараёнида шахс баркамоллигига эришиш, таълим муассасаларида «Эзгулик кун»ларини ўтказиш;

Гурур ҳисси ила айта оламизки, биз барча фанлар бўйича мислсиз кашфиётлар яратган алломаларнинг авлодларимиз, уларнинг қонуний ворисларимиз. Бизнинг томирларда буюк аجدодларимизнинг қони бор. Бугунги кунда ўзбек халқида миллий онгнинг ўсиб бораётганлиги туфайли ўз ўтмишига қизиқиш тобора кучаймоқда. Ўз миллий маданиятини қадрлаш, тарихни эъзозлаш, она-юрт билан фахрланиш муайян миллат, элат, халққа мансубликни англашнинг муҳим жихатидир. Дин маънавий маданиятнинг бир қисми экан, унда инсоний тафаккур дурдоналари бор. Унда аждодларимиз ижодининг маҳсуллари тўлиб-тошиб ётибди. Шуни эътироф этиш керакки, илм-фаннинг биргина ўзиёқ инсонни юксак фазилатли қилишга қодир эмас. Шундай экан, дунёвий ва диний илмлар муштарақлиги ҳозирги даврнинг муҳим шарти эканлигини унутмаслик керак.